

Ишларни бажариш бўйича  
№ 33/2022-сонли  
ШАРТНОМА

W41-2022  
" 33 НМБТ" 4  
10.10.22т.

Тошкент шаҳри.

23 август 2022 йил

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ, бундан буён ИЖРОЧИ деб аталувчи, Низом асосида ҳаракат қилувчи шахс Директор И.У.Жумаев, бир томондан ва «O'ZNEFTGAZQUDUQTA`MIRLASH» AJ, бундан буён БУЮРТМАЧИ деб аталувчи, Низом асосида ҳаракат қилувчи шахс Директор Р.Р. Қудратов, иккинчи томондан, биргаликда ТОМОНЛАР деб аталувчи, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома моҳияти.

1.1 БУЮРТМАЧИ, ушбу шартнома, техник топшириқ талабларига биноан «Автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга ёқилғи сарфи меъёрларини аниқлаш, ҳамда 1 машина-соат ва 1 km масофани босиб ўтишда жорий нархни ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича ишларни топширади, ИЖРОЧИ эса уларни бажариш ва БУЮРТМАЧИГА ўз вақтида топшириш мажбуриятини олади.

1.2 БУЮРТМАЧИ бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятига эга.

1.3 Ишни бошлаш муддати: аванс тўлови келиб тушган кун.

1.4 Ишни тугатиш муддати: иш бошланган кундан бошлаб 60 кун.

### 2. Ишларни бажариш шартлари.

2.1 Ишларнинг мазмуни ва уларни бажариш муддати ушбу шартноманинг ажралмас қисмини ташкил этувчи Календар иш режаси билан белгиланади (2-илова).

2.2 Норматив-тадқиқот ишларини қабул қилиш ва баҳолаш шартноманинг бир қисми ҳисобланадиган Техник топшириқ талабларига биноан амалга оширилади (1-илова).

### 3. Ишларнинг қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

3.1 Норматив-тадқиқот ишининг нархи:

171 878 000 (бир юз етмиш бир миллион саккиз юз етмиш саккиз минг) сўм.

Бундан ташқари, ҚҚС 15 % 25 781 700 (йигирма беш миллион етти юз саксон бир минг етти юз) сўм

Шартнома бўйича жами ҚҚС билан 197 659 700 (бир юз тўқсон етти миллион олти юз эллик тўққиз минг етти юз) сўм.

3.2 Норматив-тадқиқот ишларнинг нархи бажариш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорига кўра иш ҳақининг, ҳамда материаллар, хизматлар ва норматив-тадқиқот ишлари қийматининг ошишини белгилаб берадиган бошқа харажатлар моддаларининг, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра ўзгариши муносабати билан юзага келадиган ИЖРОЧИНинг харажатлари ўзгариши мумкин. Календар иш режасига биноан бажарилиши керак бўлган қисмигина янги индексга қайта ҳисобланиши (аниқлаштирилиши) лозим.

Норматив-тадқиқот ишларини бажариш бўйича аниқлаштирилган шартномавий нарх Қўшимча битим тузиш орқали ва унга асослаб берувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда расмийлаштирилади.

3.3 Шартнома расмийлаштирилгандан кейин ўн кунлик муддат ичида Буюртмачи ИЖРОЧИга ишлар қийматининг 15% миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади, ва ушбу сумма 29 648 955 (йигирма тўққиз миллион олти юз қирқ саккиз минг тўққиз юз эллик беш) сўмни ташкил этади.

3.4 85% миқдоридаги якуний ҳисоб-китоб эса БУЮРТМАЧИ томонидан бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура имзолангандан сўнг 10 банк куни ичида амалга оширилади.



#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби. Томонларнинг мажбуриятлари.**

4.1 ИЖРОЧИ томонидан БУЮРТМАЧИга алоҳида босқичларда ва шартнома тугагандан сўнг расмийлаштирилиши ва топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати Техник топшириқ билан белгиланади.

4.2 Алоҳида босқич ёки умуман шартнома бўйича ишлар тугагандан сўнг Ижрочи БУЮРТМАЧИга топшириш-қабул қилиш далолатномаси, ҳамда илмий, техник ҳужжатлар, ҳамда Техник топшириқ ва Календар иш режада назарда тутилган бошқа ҳужжатлар илова қилинган ҳисоб-фактурани тақдим қилади.

4.3 БУЮРТМАЧИ бажарилган оралик босқичларни учун норматив-тадқиқот ишларини олганидан сўнг 5 кун ичида бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактурани расмийлаштиради, тўловни амалга оширади.

4.4 БУЮРТМАЧИда норматив-тадқиқот ишларга нисбатан мулоҳазалар юзага келган тақдирда, ИЖРОЧИ билан биргаликда кўриб чиқилади ва икки томонлама ҳужжат билан қўшимча қарорлар қабул қилинади. ИЖРОЧИ томонининг айби билан йўл қўйиладиган хатоликлар у томонидан қўшимча тўловларсиз бартараф этилади.

4.5 БУЮРТМАЧИ томонидан бажарилган босқичлар бўйича ишлар учун тўлов, асосланмаган ҳолда кечиктирилган тақдирда, ИЖРОЧИ кейинги ишларни тўхтатиб қўйишга ва ишларнинг кейинги босқичлари бўйича норматив-тадқиқот ишларни бермасликка ҳақли.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида салбий натижа олиш ёки ишларни кейинчалик амалга ошириш мақсадга мувофиқсиз ҳолатлари юзага келган тақдирда, Ижрочи уч кунлик муддат ичида ёзма равишда ишларнинг тўхтатиб турилиши ҳақида Буюртмачини огоҳлантириши керак. Бундай ҳолда, иккала томон ҳам ўн кунлик муддат ичида ишларни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

БУЮРТМАЧИНинг ишларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади, бажарилган ишлар ҳажми учун БУЮРТМАЧИ ҳақ тўлаши лозим.

4.7 БУЮРТМАЧИ томонидан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактура имзоланган сана норматив-тадқиқот ишларни бериш санаси ҳисобланади.

4.8 ИЖРОЧИНинг Буюртмачи объектларига хизмат сафарига юборилган ходимларининг хавфсизлиги учун жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва норматив ҳужжатларга асосан БУЮРТМАЧИга тадбиқ этилади.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

5.1 ИЖРОЧИ ишларни бажаришга фақат шартнома расмийлаштирилгандан ва БУЮРТМАЧИ томонидан олдиндан тўлов ўтказилгандан сўнг киришади.

5.2 Шартномани расмийлаштириш кечиктирилган, олдиндан тўлов келишилган муддатларда ўтказилмаган ҳолларда, ишларни бошлаш ва тугатиш саналари тегишли кундар миқдорига ўзгартирилади.

5.3 БУЮРТМАЧИ шартнома олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида уни имзолайди ва бир нухасини ИЖРОЧИга қайтариб беради.

5.4 ИЖРОЧИ шартномани Техник топшириққа биноан белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаши шарт. Ишларни бажариш муддатини бузилганлиги учун ИЖРОЧИ БУЮРТМАЧИга ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятларни бажарилмаган қисми қийматининг 0,5 % миқдоридан пеня тўлайди, бунда пеня суммаси муддатида бажарилмаган ишлар қийматининг 20 % дан ошмаслиги керак.

5.5 Агар бажарилган ишлар Техник топшириққа ва шартномада белгиланган муддат ва сифат бўйича мажбурий шартларга мос келмаса, БУЮРТМАЧИ норматив-тадқиқот ишларни қабул қилишдан ва тўлов тўлашдан бош тортишга, ҳамда ИЖРОЧИдан тегишли сифатга эга бўлмаган норматив-тадқиқот ишлар қийматининг 20% миқдоридан жарима тўлайди.

5.6 БУЮРТМАЧИ ёки ИЖРОЧИ, агар томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бузилишига йўл қўйган бўлса, бу ҳақида ёзма равишда 5 кун аввал огоҳлантирган ҳолда, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.



- 5.7 Агар иш БУЮРТМАЧИнинг айби билан тўхтатиб қўйилган бўлса, унда у БУЮРТМАЧИ томонидан ушбу маҳсулот учун назарда тутилган рентабеллик даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий амалга оширилган харажатлар бўйича амалга оширилади.
- 5.8 Ишларнинг натижалари шартнома бўйича яратилган маҳсулотдан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқи тегишли бўлган БУЮРТМАЧИнинг мулки ҳисобланади. ИЖРОЧИ БУЮРТМАЧИ билан келишилмаган ҳолда, яратилган маҳсулотни учинчи шахсларга беришга, сотишга ва фойдаланишга ҳақли эмас.
- 5.9 БУЮРТМАЧИ ва ИЖРОЧИ технологик ва бошқа маълумотларни сақланишини таъминлайди.
- 5.10 Ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши лозим бўлган илмий-техник маҳсулотлар яратилган тақдирда, патентга бўлган ҳуқуқ БУЮРТМАЧИга тегишли бўлади.
- 5.11 Томонлар ўртасида юзага келадиган барча низолар “Низони тартибга солиш даъво тартиби тўғрисидаги низом” га мувофиқ кўриб чиқилади. Ўзаро ечимларга эришилмаган тақдирда, низолар Даъвогар жойлашган жой бўйича Иқтисодиёт суди томонидан кўриб чиқилади.
- 5.12 Шартнома томонларнинг келишувига биноан ёки форс-мажор ҳолатлар туфайли ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.
- 5.13 Шартнома ИЖРОЧИнинг айби билан бекор қилинган тақдирда, у БУЮРТМАЧИга амалга оширилган олдиндан тўловнинг тўлиқ қийматини қайтариб бериши керак.
- 5.14 Ушбу шартнома шартларида кўзда тутилмаган барча ҳолатларда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий фаолияти тўғрисида” ги Қонуни ва Фуқаролик Кодекси бўйича жавобгар бўладилар.
- 5.15 Шартнома амал қилиш муддатининг тугаши томонларни унинг бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.
- 5.16 Шартнома шартларининг ўзгариши шартнома бўйича икки томонлама қўшимча битим билан расмийлаштирилади.
- 5.17 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.
- 5.18 Шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

## 6. Шартномага илова.

Иловалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади:

6.1 1-илова. «Техник топшириқ».

6.2 2-илова «Календар иш режаси».

## 7. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

<p>7.1 «БУЮРТМАЧИ»  <b>"O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH" AJ</b>          Ёухоро вилояти, Қоровулбозор тумани,          Меҳнатобод №40, Тел: (98) 774-64-50,  <b>Х/Р: 2021 0000 9003 0441 2001,</b>          Банк Тошкент шаҳар,          "Узсаноатқурилишбанки" АТБ          Яшнобод филиали,          МФО: 00432, ИНН: 201 057 286, ОКЭД: 43990</p>	<p>7.2 «ИЖРОЧИ»  <b>«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ</b>          Манзил: Toshkent sh., Yakkasaroy tumani,          SH. Rustaveli №8, tel : (93) 597-99-93,  <b>Х/Р: 2020 8000 5052 4516 4001,</b>          АКБ Turon banki Mirzo-Ulug'bek bo'limi,          МФО: 71120, ИНН: 307 513 867,          ОКЭД: 01154</p>
--	---

«БУЮРТМАЧИ»

"O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH" AJ

Директори

 Р.Р. Қудратов

« \_\_\_\_\_ » 2022й.

М.Ў.

«ИЖРОЧИ»

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ

Директори

 И.У. Жумаев

« \_\_\_\_\_ » 2022й.

М.Ў.





«O'ZNEFTGAZQUDUQTA`MIRLASH» AJ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"O'ZNEFTGAZQUDUQTA`MIRLASH" AJ

Директори



Р.Р. Кудратов

М.Ў.

«Автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга ёқилғи сарфи меъёрларини аниқлаш, ҳамда 1 машина-соат ва 1 km масофани босиб ўтишда жорий нархни ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича ишларни бажариш учун  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

23 август 2022 йилдаги №33/2022-сонли Шартнома

Топширик берилди:

"O'ZNEFTGAZQUDUQTA`MIRLASH" AJ  
Бош механик

Ш.У. Ражабов

"O'ZNEFTGAZQUDUQTA`MIRLASH" AJ  
Режалаштириш ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи

А.Б. Жумаев

Топширик қабул қилинди:

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ  
Директор ўринбосари

А.Ж. Баратов

«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ  
Бош мутахассис

С.М. Каримов



## **1. Шартномани тузиш учун асос.**

«Автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга ёқилғи сарфи меъёрларини аниқлаш, ҳамда 1 машина-соат ва 1 km масофани босиб ўтишда жорий нархни ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича шартномани тузиш учун асос, "O`ZNEFTGAZQUDUQTA`MIRLASH" АЖнинг (лот № 131171) 2022 йил 23 август кунги баённомаси ва ЎзР «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади.

## **2. Ишларни бажариш учун мақсад ва бошланғич маълумотлар.**

2.1 Ишларнинг мақсади – автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғининг илмий-асосланган сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

2.2 Ишларни бажариш учун бошланғич маълумотлар NGH 39.0-261: 2021 «Моддий-техник ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкор ва оқилона фойдаланиш бўйича ишларни ташкил қилиш» соҳа стандарти, ҳамда автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғи сафри ҳақиқий ўлчовлари маълумотлари.

**161 дона автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғи сарфи меъёрлари ва 4 дона махсус техникаларга 1 машина-соат ва 1 km масофани босиб ўтишда жорий нархлар ишлаб чиқилади.**

## **3. Ишнинг асосий мазмуни.**

3.1 Ўзига хос иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, инструктив-услубий ҳужжатлар бўйича автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғининг илмий-асосланган сарфи меъёрлари ишлаб чиқиш.

2.2 Меъёрлар лойиҳалари белгиланган тартибда келишилади ва тасдиқланади.

## **4. Иқтисодий кўрсаткичлар.**

Ишлаб чиқаришда жорий этилган ишлаб чиқилган меъёрлар ёқилғидан оқилона фойдаланишга, яқуний ҳисобда эса ишлар маҳсулотининг таънарини пасайтиришга олиб келади.

## **5. Ишларни топшириш шакллари.**

Ишлар яқунланганда «Ижрочи» «Буюртмачи» га қоғоз шаклида 1 нусхада шартнома мавзуси бўйича тасдиқланган вақтинчалик ёқилғи сарфи меъёрларини тақдим қилади.



**КАЛЕНДАР ИШ РЕЖАСИ**

«Автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга ёқилғи сарфи меъёрларини аниқлаш, ҳамда 1 машина-соат ва 1 km масофани босиб ўтишда жорий нархни ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича

23 август 2022 йилдаги 33/2022-сонли Шартнома


Шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг номи	Бажариш муддати, Ой, йил, кун	Ишларнинг ҳисоб-китоб ҳажми, сум /% ҳажмга	Бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш шакли
1	2	3	4
<p>Автотранспорт воситалари, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғи сарф меъёрларини ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотларни йиғиш ва ёқилғи меъёрий сарфини очов-хронометраж ишларини ўтказиш.</p> <p>Автотранспорт, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғи сарфи меъёрий хужжатини ишлаб чиқиш.</p>	<p><u>иш</u> <u>бошланган</u> <u>кундан</u> <u>бошлаб</u> <u>60 кун</u></p>	<p><u>197 659 700</u> 100,0</p>	<p>КЕЛИШИЛГАН автотранспорт воситалир, махсус техника, ускуна ва механизмларга вақтинчалик ёқилғи сарф меъёрлари.</p>
<p><b>Шартнома бўйича жами</b></p> <p><b>ҚҚС</b></p>		<p><u>197 659 700</u> 100,0</p> <p><u>25 781 700</u> 15,0</p>	

«БУЮРТМАЧИ» томонидан  
"O'ZNEFTGAZQUDUQTA MIRLASH" AJ  
Бош механик



Ш.У. Ражабов

«ИЖРОЧИ» томонидан  
«ME'YOR-YOQILG'I» MCHJ  
Директор уринбосари



А.Ж. Баратов

Суммас: 197 659 700 сум

ҚОРОВУН 0300 2022